


Oriental Journal of Philology**ORIENTAL JOURNAL OF PHILOLOGY**

journal homepage:

<http://www.supportscience.uz/index.php/ojp/about>**THE ROLE OF MAHMUD AZ-ZAMAKHSHARI'S TAFSIR "AL-KASHSHAF" IN THE DEVELOPMENT OF QUR'ANIC RHETORIC AND ARABIC LINGUISTICS****Gulchehra Rasulova***Lecturer at the Institute of Social and Political Sciences**E-mail: guli.muzey@gmail.com**Tashkent, Uzbekistan***ABOUT ARTICLE**

Key words: Zamakhshari, "Al-Kashshaf," eloquence (balagha), ma'ani, bayan, i'jaz, Arabic language, tafsir methodology.

Received: 19.02.26**Accepted:** 20.02.26**Published:** 21.02.26

Abstract: This article analyzes the contribution of Mahmoud ibn Umar al-Zamakhshari's famous tafsir, "Al-Kashshaf," to the development of the Arabic language and the sciences of eloquence (balagha). It highlights the author's mastery in revealing the rhetorical inimitability (i'jaz) and subtle meanings of Quranic verses. The article explains the author's methodology based on the sciences of "ma'ani" (meanings) and "bayan" (exposition), detailing the extensive influence of this work on subsequent Quranic commentaries, particularly its role as a primary source for linguistic analysis. Furthermore, the unique features of the work in the fields of linguistics, grammar (nahw), and literature are explored, along with its impact on the works of later mufassirs such as al-Baydawi and al-Nasafi.

МАҲМУД АЗ-ЗАМАХШАРИЙНИНГ «АЛ-КАШШОФ» ТАФСИРИНИНГ ҚУРЪОН БАЛОҒАТИ ВА АРАБ ТИЛШУНОСЛИГИ РИВОЖИДАГИ ЎРНИ**Гулчехра Расулова***Ижтимоий ва сиёсий фанлар институти ўқитувчиси**E-mail: guli.muzey@gmail.com**Тошкент, Ўзбекистон***МАҚОЛА ҲАҚИДА**

Калит сўзлар: Замахшарий, «Ал-Кашшоф», балоғат, маъони, баён, иъжоз, араб тили, тафсир услуги.

Аннотация: Ушбу мақола Маҳмуд ибн Умар аз-Замахшарийнинг машҳур "Ал-Кашшоф" тафсирининг араб тили ва балоғат илмлари ривожига қўшган ҳиссаси таҳлил қилади, шу билан бирга

муаллифнинг Қуръон оятларидаги балоғий иъжоз ва нозик маъноларни очиб беришдаги маҳорати ёритиб беради. Мақолада муаллифнинг "маъони" ва "баён" илмларига асосланган услуги тушунтирилади ҳамда ушбу асарнинг кейинги давр тафсирларига кўрсатган кенг кўламли таъсири, айниқса, баёний жиҳатдан асосий манба сифатида хизмат қилгани баён этилади. Шунингдек, асарнинг тилшунослик, наҳв ва адабиёт соҳасидаги ўзига хос хусусиятлари ҳамда унинг Байзовий ва Насафий каби кейинги муфассирлар ижодига кўрсатган таъсири ёритилади.

РОЛЬ ТАФСИРА «АЛЬ-КАШШАФ» МАХМУДА АЗ-ЗАМАХШАРИ В РАЗВИТИИ КОРАНИЧЕСКОЙ БАЛАГАТЫ И АРАБСКОГО ЯЗЫКОЗНАНИЯ

Гулчехра Расулова

Преподаватель

Института социальных и политических наук

E-mail: guli.muzey@gmail.com

Ташкент, Узбекистан

О СТАТЬЕ

Ключевые слова: Замахшари, «Аль-Кашшаф», красноречие (балага), ма'ани, баян, и'джаз, арабский язык, методика тафсира.

Аннотация: В данной статье анализируется вклад знаменитого тафсира Махмуда ибн Умара аз-Замахшари «Аль-Кашшаф» в развитие арабского языка и наук о красноречии (балага). Освещается мастерство автора в раскрытии риторического неподражаемости (и'джаз) и тонких смыслов коранических аятов. В статье разъясняется методология автора, основанная на науках «ма'ани» (смыслы) и «баян» (изложение), а также описывается широкомасштабное влияние этого труда на последующие тафсиры, в частности, его роль в качестве основного источника по лингвистическому анализу. Кроме того, рассматриваются специфические особенности произведения в области лингвистики, грамматики (наҳв) и литературы, а также его влияние на творчество последующих муфассиров, таких как аль-Байдави и ан-Насафи.

Кириш. Махмуд аз-Замахшарийнинг "الكشاف عن حقائق غوامض التنزيل وعيون الأفاويل في وجوه التأويل", яъни «Қуръон оятларидаги яширин ҳақиқатларни очувчи ҳамда таъвил

йўналишларидаги энг сара гаплар тўплами».асари тафсир тарихида муҳим бурилиш нуқтаси ҳисобланади. Муаллиф бу асарида юксак луғавий таҳлил маҳоратини Қуръон назмидаги сир-асрорларни очишдаги заргарона аниқлик билан уйғунлаштирди, бу эса ўз навбатида асарнинг илмий меросда юксак мавқега олиб чиқди.

Асосий қисм. Ал-Кашшоф асрини ўрганиш Замахшарийнинг балоғат воситаларини Қуръон мўъжизакорлигини очиб беришга моҳирона йўналтира олгани нуқтаи назаридан ниҳоятда муҳимдир. Асарнинг айнан мана шу жиҳати асрлар давомида йирик олимлар ва муфассирларнинг эътирофига сабаб бўлиб келган. Шунга қарамай, "Ал-Кашшоф" чуқур методологик ва ақидавий муаммолардан холи эмас. Муаллиф ундан мўътазилийлик асосларини ниҳоятда нозик ва яширин услубда тарқатиш майдони сифатида фойдаланган, бу эса уламолар орасида асарга нисбатан турлича муносабатлар шаклланишига олиб келган. Мазкур изланишнинг асосий мақсади "Ал-Кашшоф"нинг тил ва балоғат соҳаларидаги илмий ўрнини ёритиш иборат.

У зот Абул Қосим Маҳмуд ибн Умар ибн Муҳаммад ибн Умар ал-Хоразмий аз-Замахшарий бўлиб, у "Жоруллоҳ" (Аллоҳнинг қўшниси) лақаби билан машҳурдир. У хижрий 467 йил 27 ражаб, чоршанба куни (милодий 1074 йил) Марказий Осиё минтақасидаги Хоразм кишлоқларидан бири.–Замахшарда таваллуд топган[1].

Замахшарий қадимий илмий муҳитда камол топди ва ўз даврининг йирик уламоларидан таълим олди. Унинг энг кўзга кўринган устозларидан бири- Маҳмуд ибн Жарир ад-Доббий ал-Асфаҳоний Абу Музар ан-Нахвий (вафоти х. 507 йил) бўлиб, у киши луғат ва нахв илмларида "ўз асрининг яғонаси ва замонининг беназири" деб улуғланар эди. Ушбу шайх Хоразмда бир муддат истиқомат қилган ва одамлар у кишининг илмидан баҳраманд бўлишган. Натижада луғат ва нахв соҳасида бир гуруҳ йирик олимлар етишиб чиққан бўлиб, Замахшарий уларнинг энг пешқадами эди.

Замахшарий илм талабида ўша даврда адабиёт ва фанлар маркази сифатида шуҳрат қозонган Бухорога сафар қилди. Кейинчалик Маккаи Мукаррамада узоқ вақт истиқомат қилди ва шу сабабли "Жоруллоҳ" лақабини олди[2].

Суютий таърифлаганидек, у кенг илм соҳиби, фазилатларга бой, ўта зийрак ва қобилятли, ҳар бир фанда моҳир эди. Замахшарий кўплаб илмларда, жумладан: тафсир, ҳадис, фикҳ, усул, нахв, луғат, адабиёт ва балоғат соҳаларида юксак маҳоратга эришди. Заҳабий у ҳақида: "У балоғат ва араб тилида пешво эди",.–деб айтган[3]. Ибн Халликон эса: "У ўз асрининг баҳссиз имоми эди, у эгаллаган فن (фан/санъат)лар учун узоқ-яқиндан илм талабгорлари ташриф буюрарди",.–дея таъкидлаган.

Ибн Субкий шундай деган: "Агар мўътазилий ғоялар билан аралашиб кетмаганида, у балоғат ва иъжоз (мўъжизакорлик) турларини баён қилишда бир мўъжиза бўлар эди"[4] Имом Заҳабий эса: "Замахшарий балоғат ва араб тилида пешво эди", деб таъкидлаган.

"Ал-Кашшоф ан ҳақоиқ ғавомид ат-танзил ва уйун ал-ақовил фи вужух ат-таъвил" китоби Қуръони Карим тафсирига бағишланган асар бўлиб, Замахшарий уни хижрий 526 йилда Маккаи Мукаррамада ёзган. У китоб муқаддимасида асарнинг ёзилиш тарихини зикр қилиб, аввалига бу ишга қўл уришда иккиланиб тургани, сўнгра уни охирига етказиш учун қатъий қарорга келганини баён қилган.

Замахшарий ўз тафсирида қуйидаги хусусиятлар билан ажралиб турадиган ўзига хос манҳажга асосланган:

Биринчидан: Қуръон оятларининг луғавий ва балоғий жиҳатларга ўта юксак эътибор қаратиши, бу билан унинг асосий мақсади Қуръони Каримнинг балоғат жиҳатидан мўъжизакорлигини (иъжоз) очиб бериш эди. Шу сабабли у маъони ва баён илмларига катта аҳамият берган. Ҳатто муқаддимада: "Қуръон тафсирига фақат Қуръонга хос бўлган икки илмда.—маъони ва баён илмида моҳир бўлган кишигина жазм қила олади"[5], деб таъкидлаган.

Иккинчидан: Асарида араб шеърияти ва насридан кўплаб далиллар келтирган. Унинг тафсиридаги шеърий байтлар сони тахминан мингтага етади. Бу унинг араб тили ва адабиётини нақадар мукамал билганидан далолат беради.

Учинчидан: Эъроб ва наҳв (грамматика) масалаларига, шунингдек, Қуръон қироатлари ва уларнинг фарқларини баён қилишга алоҳида эътибор қаратиш. Грамматик қоидаларга таянган ҳолатда тафсир қилганлиги уни бу соҳада нақадар билмдонлигига очик мисолдир.

Тўртинчидан: Савол-жавоб услубини кенг қўллаш. У саволни "Агар айтсанг" (фа-ин култа), жавобни эса "Айтаманки" (култу) тарзида сарлавҳалайди. Бу услуб тафсирнинг тушунарли ва қизиқарли бўлишини таъминлайди. Ва шу билан бирга ўқувчида туғилиши мумкин бўлган саволларни олдиндан кўра билганлиги, ўз ўрнида ҳаммасига жавоб бериб кетганлигига далилдир.

Бешинчидан: Фикҳий масалаларни қисқа баён қилиш. Ақидавий масалалардан фарқли ўлароқ, фикҳда ўзи мансуб бўлган ҳанафий мазҳабига нисбатан мутаассиблик қилмай, мўътадилликни сақлаган.

Олтинчидан: Исроилиёт (яхудий ва христиан манбаларидан олинган) ривоятларни жуда кам келтириш ва аксарият ҳолларда уларнинг заифлигидан огоҳлантириш.

Еттинчидан: Тафсирни ақидавий масалаларда мўътазилийларнинг қарашлари билан тўлдириш. Бунда у кўпчилик ўқувчилар пайқамайдиган яширин иборалардан фойдаланган ва бу китобнинг энг катта камчилиги ҳисобланади.

Олимлар "Ал-Кашшоф" тафсирининг балоғат ва тилшунослик соҳасида юксак мавқега эга эканлиги борасида яқдилдирлар..Замахшарий бу илмнинг султони эканлиги асрлар оша таъкидланиб келинмоқда. Жалолиддин Суютий ўзининг "Навоҳид ал-абкор" китобида шундай дейди: "«Кашшоф» соҳиби ушбу услубнинг султониدير, шу сабабли унинг китоби Маърику Мағрибнинг энг чекка ҳудудларигача кенг тарқалди"[6].

Ибн Халликон ҳам ушбу асарга юксак баҳо бериб: "Ундан олдин бунга ўхшаши тасниф этилмаган",-.деб таъкидлайди. Бу билан у Қуръони Каримнинг балоғий мўъжизакорлик жиҳатларини очиб беришда асарнинг бетакрорлигига ишора қилган.

Бу асар Қуръон балоғати сирлари, иъжоз (мўъжизакорлик) жиҳатлари ва лафзлардаги маънолар дақиқлигини тизимли ва аниқ тарзда очиб берган илк тафсирдир. Унда Қуръон назмининг гўзаллиги ва балоғати илгари кузатилмаган услубда баён этилган. "Ал-Кашшоф" асарини тафсир илмида ажратиб турувчи энг муҳим жиҳатлар қуйидагилардан иборат:

1. Уч тил компоненти: наҳв (грамматика), балоғат ва сарф (морфология) таҳлилидаги маҳорати. У фақат эъроб ва зоҳирий маънони зикр қилиш билан чекланиб қолмай, Қуръон матнининг қаърига шўнғиб, ундан маъно ва баёний латофат дурдоналарини чиқариб олади.

2. Қуръоний ифодалар ўртасидаги нозик фарқларни баён қилишдаги устунлиги. Бир лафзнинг бошқасидан ёки бир жумла қурилишининг бошқасидан афзал кўрилиш сирларини маҳорат билан кўрсатиб беради.

3. Оятлар тафсирида истиора, ташбеҳ, киноя ва мажоз каби турли балоғат санъатларидан фойдаланиши ва уларнинг маънога таъсирини тушунтириши.

Ушбу илмий фазилатлари сабабли китоб дунё бўйлаб кенг тарқалди ва ҳамма унинг фазлини, илмининг уммонлигини, маҳорати ва тасниф санъатини эътироф этди. Ҳатто кўплаб аҳли сунна уламолари.-.унинг мўътазилий қарашларидан огоҳлантирган ҳолда.-.балоғий ва луғавий мавқеини юксак баҳолаганлар.

"Ал-Кашшоф" тафсири ўзидан кейин келган тафсирларга жуда чуқур таъсир кўрсатди. Кўпчилик муфассирлар унга таяндилар ва Қуръон оятларининг балоғий жиҳатларини баён қилишда ундан фойдаландилар. "Ал-Кашшоф" таъсирида ёзилган энг кўзга кўринган тафсирлар:

1. Байзовийнинг "Анворут-танзил ва асрорут-таъвил" тафсири (вафоти ҳ. 692 й.) [7]: Бу асар "Ал-Кашшоф"нинг энг машҳур мухтасарларидан биридир. Байзовий Замахшарий тафсирини қисқартириб, унинг мўътазилий қарашларини тузатган ва

Фахриддин Розий тафсиридан баъзи фойдали жиҳатларни илова қилган. Байзовий тафсири ислом оламида энг кенг тарқалган асарлардан бирига айланди.

2. Насафийнинг "Мадорикут-танзил ва ҳақоикут-таъвил" тафсири (вафоти х. 710 й.).[8]: Бу ҳам "Ал-Кашшоф"нинг мухтасари бўлиб, муаллиф уни мўътазилий қарашлардан поклашга алоҳида эътибор қаратган.

3. Абу Ҳайён Андалусийнинг "Ал-Баҳр ал-муҳит" тафсири (вафоти х. 745 й.): Муаллиф ушбу асарида "Ал-Кашшоф"нинг луғавий ва наҳвга оид жиҳатларидан кенг фойдаланган, шу билан бирга унинг мўътазилий қарашларини танқид қилган.

4. Олусийнинг "Рухул-маъони" тафсири (вафоти х. 1270 й.): Балоғат жиҳатларини баён қилишда кўп жиҳатдан "Ал-Кашшоф"га таянган ва ундаги мўътазилий фикрларга раддиялар берган.

Ҳатто баъзи олимлар Замахшарий ўз "Кашшоф" асарида мавжуд бўлган маълумотларнинг Зажжож тафсиридан олган, деган фикрни ҳам айтиб ўтганлар. Мисол тариқасида айтишимиз мумкинки, Шамсуддин Асфаҳоний ўзининг "Ал-Жомий байнат-тафсир ал-кабир вал-Кашшоф" асарида шундай дейди: "Мен «Кашшоф»ни синчиклаб ўрганиб чиқдим ва муаллиф ниманики олган бўлса, Зажжождан олганини топдим"..Албатта бу гапда бир оз муболаға бўлса-да, Замахшарий Зажжож тафсиридан кўп манфаат олганига ишора қилади.

Шундай қилиб, "Ал-Кашшоф" кўплаб муфассирлар учун луғавий ва балоғий жиҳатдан асосий манба бўлиб хизмат қилганини кўрамыз, бу эса ўз ўрнида унинг ушбу соҳадаги юксак илмий мақомини кўрсатади.

"Ал-Кашшоф"нинг илмий фазилатлари (маҳосин) , мавқеи ва ижобий жиҳатларини куйидаги нукталарда хулоса қилишимиз мумкин:

1. Куръони Каримнинг балоғий мўъжизакорлик (иъжоз) жиҳатларини очиб беришдаги бетакрорлиги: Унгача ҳеч ким бу даражада маҳорат билан тизимли ўрганмаган.

2. Маъони ва баён илмларига юксак эътибор қаратилганлиги: Бу асар ушбу икки илмга чуқур кириб боришни истаганлар учун асосий таянич манба ҳисобланади.

3. Араб шеърияти ва насридан кўплаб далиллар келтирилганлиги: Бу тафсирнинг далилларини янада равшан ва ишончли қилади.

4. Эъроб ва наҳв масалаларига диққат қаратилганлиги: Шу билан бирга, Куръон кироатларининг турли жиҳатлари маҳорат билан баён этилган.

5. Савол-жавоб услубининг қўлланилганлиги: Бу усул тафсирнинг тушунарли бўлишини таъминлаш билан бирга, ўқувчида қизиқиш уйғотади.

6. Ибораларнинг гўзаллиги ва баённинг сифати: "Ал-Кашшоф" ўзининг нафис услуби билан юксак адабий намуна даражасига кўтарилган.

7. Исроилиёт ривоятларининг ниҳоятда камлиги: Муаллиф бундай ривоятларни кам келтириш билан бирга, аксарият ҳолларда уларнинг заифлигидан огоҳлантириб ўтган.

8. Фикҳий масалалардаги мўътадиллик: Муаллиф ўзи мансуб бўлган ҳанафий мазаҳибага нисбатан мутаассиблик қилмаган, балки масалаларни холис баён этган.

Маҳмуд Замахшарийнинг "Ал-Кашшоф" тафсири балоғат ва тилшунослик соҳаларида юксак мавқега эга. Кўплаб олимлар уни бу борадаги тафсирларнинг энг чўққиси деб ҳисоблайдилар. Олиб борилган тадқиқотлар шуни кўрсатадики, «Ал-Кашшоф» асари араб тилшунослиги ва балоғат илмида чинакам инқилоб қилган асардир. Ундаги савол-жавоб услуби, шеърӣй шоҳидларнинг маҳорат билан қўлланиши ва Қуръон назмидаги нозик маъноларни очиб беришдаги бетакрор маҳорат уни барча замонлар учун бебаҳо манбага айлантирди. Гарчи муаллифнинг ақидавӣй қарашлари баҳсли бўлса-да, унинг тил илмидаги даҳоси ҳатто энг қаттиқ танқидчилари томонидан ҳам эътироф этилган. Бу асар Қуръон иъжозини тушунишда калит вазифасини ўташда давом этади.

Хулоса. Маҳмуд ибн Умар аз-Замахшарийнинг «Ал-Кашшоф» тафсири ислом тафсир илми, араб тилшунослиги ва балоғат фанлари тарихида алоҳида ўрин тутди. Асар Қуръони Карим оятларининг луғавӣй, наҳвӣй ва балоғӣй жиҳатларини чуқур ва тизимли таҳлил қилиш орқали Қуръон назмининг иъжозини очиб беришга қаратилган илмӣй-адабӣй мерос сифатида намоён бўлади. Замахшарӣй маъони ва баён илмларига таянган ҳолда оятлардаги нозик маънолар, истиора, ташбеҳ, киноя ва мажоз каби балоғат санъатларини юксак маҳорат билан шарҳлаб берган.

«Ал-Кашшоф»нинг энг катта фазилати — Қуръон матнининг балоғӣй мўъжизакорлигини илмӣй асосда изоҳлаб берган илк мукамал тафсирлардан бири эканидир. Унда араб шеърӣятидан келтирилган кўплаб далиллар, эъроб ва қироатларга оид таҳлиллар, савол-жавоб услубининг қўлланилиши асарнинг ҳам илмӣй, ҳам услубӣй жиҳатдан юксак даражада эканини кўрсатади. Шу билан бирга, муаллифнинг мўътазилӣй ақидага мансублиги тафсирнинг айрим ўринларида баҳсли қарашларнинг учрашига сабаб бўлган.

Шунга қарамай, «Ал-Кашшоф» кейинги асрлар тафсирчилигига беқиёс таъсир кўрсатди. Байзовӣй, Насафӣй, Абу Ҳайён ва Олусӣй каби муфассирлар ўз асарларида ундан кенг фойдаланганлар. Айниқса, луғавӣй ва балоғӣй таҳлил борасида у асосӣй манба вазифасини ўтаган.

Хулоса қилиб айтганда, «Ал-Кашшоф» нафақат бир тафсир асари, балки араб тили ва балоғат илмининг юксак намунаси сифатида қадрланади. У Қуръон иъжозини англаш, оятлар маъно қатламларини очиш ва тилшунослик таҳлилининг мукамаллаштиришда ҳанузгача аҳамиятини йўқотмаган бебаҳо илмӣй меросдир.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Ибн Халликон, Аҳмад ибн Муҳаммад, Вафайот ал-аъён ва анбо абно аз-замон, Ихсон Аббос таҳрири остида, Дар Содир, Байрут, 2-нашр, 1978 й., 5/168.
2. Суютий, Жалолиддин, Буғят ал-вуъот фи табақот ал-луғавиййин ван-нуҳот, Муҳаммад Абул Фазл Иброҳим таҳрири остида, Дар ал-Фикр, Байрут, 2/279.
3. Заҳабий, Шамсиддин Муҳаммад ибн Аҳмад, Сияр аълум ан-нубало, Шуайб Арнаут ва бошқалар таҳрири остида, Муассасат ар-Рисола, Байрут, 11-нашр, 1996 й., 20/151.
4. Субкий, Тожиддин, Табақот аш-шофиъийя ал-кубро, Маҳмуд Муҳаммад Таноҳий таҳрири остида, Дор Ҳажр, Қоҳира, 2-нашр, 1992 й., 6/191.
5. Замахшарий, Ал-Кашшоф, Муаллифнинг маъони ва баён илмлари ҳақидаги муқаддимаси, 1/36.
6. Суютий, Жалолиддин, Навоҳид ал-абкор ва шаворид ал-афкор фи улум ал-балоға ва асрор ал-иъжоз, Аҳмад Али Атийя таҳрири остида, Дар ал-Кутуб ал-Илмия, Байрут, 1-нашр, 2004 й., 1/87.
7. Байзовий, Абдуллоҳ ибн Умар, Анвор ат-танзил ва асрор ат-таъвил, Дор Ихё ат-Турос ал-Арабий, Байрут, 1/7.
8. Насафий, Абдуллоҳ ибн Аҳмад, Мадорик ат-танзил ва ҳақоик ат-таъвил, Дор ал-Калим ат-Таййиб, Дамашқ, 1998 й., 1/9.